

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

103 Тўқимачилик асбоб-ускуналарининг асосий турларини етказиб беришга шартномаларни (контрактларни) экспертизадан ўтказиш ва уларнинг замонавий технологик талабларга ва жаҳон нархлари даражасига мувофиқлиги юзасидан хулосалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Замонавий технологияларни жорий этиш асосида тўқимачилик корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 4 февралдаги ПҚ–2485-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Тўқимачилик асбоб-ускуналарининг асосий турларини етказиб беришга шартномаларни (контрактларни) экспертизадан ўтказиш ва уларнинг замонавий технологик талабларга ва жаҳон нархлари даражасига мувофиқлиги юзасидан хулосалар бериш тартиби тўғрисидаги низом (кейинги ўринларда Низом деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Янгидан қуриладиган ва реконструкция қилинадиган ишлаб чиқариш қувватлари лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосланишини, техника ва технологияларни экспертизадан ўтказиб баҳолаш агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) ва «Ўзбекенгилсаноат» АЖнинг шартномалар (контрактлар)ни сотиб олинadиган тўқимачилик асбоб-ускуналарининг қуйидаги мезонлар бўйича замонавий технологик талабларга ва жаҳон нархлари даражасига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

янгилиги — ишлаб чиқарилган йили (экспертиза ўтказиш пайтида икки йилдан ортиқ эмас) билан аниқланади;

маҳсулотнинг экспортга йўналтирилганлиги ва ассортименти — унинг энг аввало ташқи бозорларда харидорлиги билан белгиланади;

иш унумдорлиги — вақт бирлигида муайян тўқимачилик маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми сифатида ҳисоблаб чиқилади;

энергия самарадорлиги — сотиб олинadиган тўқимачилик асбоб-ускунаси двигателларининг белгиланган қувватини унинг техник-технологик параметрларига мувофиқ, бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг шунга ўхшаш асбоб-ускуналарига қиёслаб таҳлил қилиш йўли билан аниқланади;

асбоб-ускунанинг нархлари параметрлари — сотиб олинadиган тўқимачилик асбоб-ускунаси нархларини худди шундай техник-технологик параметрларга эга бўлган тўқимачилик асбоб-ускунаси жаҳон нархлари даражаси билан таққослаш асосида қиёслаб таҳлил қилиш йўли билан аниқланади.

3. Қўйидагиларга:

Агентлик раҳбарларига — шартномалар (контрактлар)нинг замонавий технологик талабларга ва жаҳон нархлари даражасига мувофиқлиги юзасидан ўз вақтида экспертизадан ўтказилиши, юқорида кўрсатиб ўтилган мезонларга ва Низомда белгиланган муддатларга қатъий мувофиқ хулоса берилиши юзасидан;

«Ўзбекенгилсаноат» АЖ раҳбарларига — шартномалар (контрактлар)нинг тўқимачилик асбоб-ускунасининг ташқи бозорлардаги харидорғирлигини таҳлил қилиш асосида уни сотиб олишнинг мақсадга мувофиқлиги, унда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ассортименти ва экспортга йўналтирилганлиги бўйича кўриб чиқилиши юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбарларига — Агентликнинг хулосаси асосида четдан келтириладиган тўқимачилик асбоб-ускунасининг (ТИФ ТН бўйича кодлари 8445, 8446, 8447) божхона расмийлаштирувининг ўз вақтида амалга оширилиши ҳамда республикага истиқболсиз, маънавий ва табиий эскирган тўқимачилик асбоб-ускунаси келтирилишига йўл қўйилмаслиги юзасидан шахсий масъулият юклансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 15 март,
77-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 15 мартдаги 77-сон қарорига
ИЛОВА

**Тўқимачилик асбоб-ускуналарининг асосий турларини етказиб беришга шартномаларни (контрактларни) экспертизадан ўтказиш ва уларнинг замонавий технологик талабларга ва жаҳон нархлари даражасига мувофиқлиги юзасидан хулосалар бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Замонавий технологияларни жорий этиш асосида тўқимачилик корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 4 февралдаги ПҚ–2485-сон қарорига мувофиқ тўқимачилик асбоб-ускуналарининг асосий турларини етказиб беришга шартномалар (контрактлар)нинг замонавий технологик талабларга ва жаҳон нархлари даражасига мувофиқлиги юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Янгидан қуриладиган ва реконструкция қилинадиган ишлаб чиқариш қувватлари лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосланишини, техника ва технологияларни экспертизадан ўтказиб баҳолаш агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) томонидан экспертизадан ўтказиш ва хулосалар бериш (кейинги ўринларда хулоса деб аталади) тартибини белгилайди.

2. Тўқимачилик асбоб-ускуналарининг асосий турларини (ТИФ ТН бўйича кодлари 8445, 8446, 8447) етказиб беришга шартномалар (контрактлар) (кейинги ўринларда шартнома (контракт) деб аталади) Агентликда экспертизадан ўтказилиши керак.

Сотиб олиннадиган тўқимачилик асбоб-ускунасининг техник параметрлари ва/ёки қиймати ўзгаришини назарда тутувчи кўрсатиб ўтилган шартномаларга (контрактларга) қўшимча битимлар ҳам Агентликда экспертизадан ўтказилиши керак.

3. Шартномалар (контрактлар) ва уларга қўшимча битимлар ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схемага биноан экспертизадан ўтказилади.

II. Экспертизадан ўтказиш ва хулоса олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

4. Хулоса олиш учун ариза берувчи Агентликка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза;

б) шартнома (контракт)нинг асл нусхаси ва унинг нусхаси (тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган, шартнома (контракт) бўйича ариза берувчининг ваколатли шахси муҳри ва имзоси билан тасдиқланган, батаф-

сил техник тавсифлар ва спецификациялар билан). Шартнома (контракт)-нинг асл нусхаси ариза берувчига қайтарилиши шарт;

в) Шартнома (контракт) тузилган санада амал қилувчи тасдиқловчи ҳужжатларни, шу жумладан тижорат таклифлари ёки прайс-варақларни ва шу кабиларни илова қилган ҳолда рақобат варағи ёки контрактда кўрсатилган нархни асослаш. Бунда тақдим этилган барча таклифларда муқобил таклифларни тақдим этувчи ташкилотларнинг почта манзиллари (жойлашган жойи) ва алоқа реквизитлари бўлиши керак.

5. Агар шартнома (контракт) ўтказилган тендер савдолари яқунлари бўйича ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилган энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида тузилган бўлса, танлов варағи ёки контрактда кўрсатилган нархнинг асосланиши ўрнига ўтказилган тендер савдолари ёки энг яхши таклифларни танлаш протоколи тақдим этилиши керак.

6. Шартномага (контрактга) қўшимча битим бўйича ҳулоса олиш учун ариза берувчи Агентликка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза;

б) шартномага (контрактга) қўшимча битимнинг асл нусхаси ва унинг нусхаси (тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган, шартнома (контракт) бўйича ариза берувчининг ваколатли шахси муҳри ва имзоси билан тасдиқланган, батафсил техник тавсиялар ва спецификациялар билан). Қўшимча битимнинг асл нусхаси ариза берувчига қайтарилиши шарт;

в) шартномага (контрактга) қўшимча битим бўйича нархни асослаш — тасдиқловчи ҳужжатлар, шу жумладан тижорат таклифлари ёки прайс-варақлар ва шу кабилар тақдим этилган ҳолда етказиб бериш ҳажми кўпайган, товар номенклатураси, унинг келиб чиқиш мамлакати, нархи ва ҳақ тўлаш шартлари ўзгарган тақдирда.

7. Тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги юзасидан ариза берувчи жавоб беради.

8. Ариза берувчи томонидан ушбу Низомнинг 4 ва 6-бандларида кўрсатилган ҳужжатларни Агентликка бериш муддати шартнома (контракт) ёхуд унга қўшимча битим имзоланган пайтдан бошлаб уч ойдан ошмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Замонавий технологияларни жорий этиш асосида тўқимачилик корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 4 февралдаги ПҚ–2485-сон қарори қабул қилингунга қадар тузилган шартномалар (контрактлар) ва уларга қўшимча битимлар бўйича ҳужжатларни бериш муддати ушбу Низом кучга кирган пайтдан бошлаб уч ойдан ошмаслиги керак.

9. Ҳулоса олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар Агентликка бевосита, олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома олинган ҳолда почта алоқа воситалари орқали ёки электрон шаклда тақдим этилади (шартнома (контракт)нинг асл нусхаси ёки унга қўшимча битимнинг асл нусхаси бундан мустасно).

Электрон шаклда тақдим этилган хужжатлар ариза берувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

10. Хулоса олиш учун Агентликка тақдим этилган хужжатлар рўйхат бўйича қабул қилинади. Ушбу рўйхат хужжатлар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган, хужжатларни қабул қилган шахснинг фамилияси, исми кўрсатилган ва унинг имзоси билан тасдиқланган ҳолда кечиктирилмасдан ариза берувчига берилади (юборилади).

III. Экспертиза ўтказишга тақдим этилган шартномага (контрактга) ва унга қўшимча битимга қўйиладиган асосий талаблар

11. Давлат тилида ёки рус тилида тузилган шартнома (контракт) ёхуд унга қўшимча битим экспертизага қабул қилинади. Бошқа ҳолларда шартнома (контракт) ёхуд унга қўшимча битим кўрсатиб ўтилган тиллардаги белгиланган тартибда тасдиқланган таржимаси билан қабул қилинади.

12. Шартнома (контракт) ва унга қўшимча битим саҳифаларига шартнома (контракт) ва унга қўшимча битим бўйича томонларнинг ваколатли шахслари томонидан виза қўйилган бўлиши (тасдиқланиши) керак. Шартнома (контракт) ва унга қўшимча битимнинг ҳар бир варағи, шартнома (контракт) ва унга қўшимча битим матнидаги киритилган ҳар қандай қўшимчалар, ўчириб ёзишлар, тузатишлар тасдиқланиши керак.

13. Шартномада (контрактда) ва унга қўшимча битимда сотиб олинаётган тўқимачилик асбоб-ускунасининг техник-технологик параметрлари, маркази, русуми, сони, ТИФ ТН бўйича кодлари, сотиб олинаётган тўқимачилик асбоб-ускунасининг келиб чиқиш мамлакати тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

14. 2016 йил 1 мартдан кейин тузилган шартномаларда (контрактларда) ва уларга қўшимча битимларда Агентликнинг хулосаси олингандан кейин уларнинг кучга кириши тўғрисидаги шартлар бўлиши керак.

IV. Экспертизани ўтказиш тартиби ва хулоса бериш учун мезонлар

15. Агентлик ушбу Низомнинг 4 ва 6-бандларида назарда тутилган хужжатлар қабул қилинган санадан бошлаб ўн тўрт календарь кундан ортиқ бўлмаган муддатда шартнома (контрактни) ва унга қўшимча битимни экспертизадан ўтказди.

16. Ариза берувчининг хулоса олиш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун контракт суммасининг 0,1 фоизи миқдориди, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 20 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда йиғим ундирилади. Йиғим суммаси Агентликнинг ҳисоб рақамига ўтказилади. Ариза берувчи хулоса олиш тўғрисида берилган аризани рад этган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

17. Қуйидагилар сотиб олинадиган тўқимачилик асбоб-ускунасининг замонавий технологик талабларга ва жаҳон нархлари даражасига мувофиқлигини аниқлаш мезонлари ҳисобланади:

янгилиги (экспертиза ўтказиш пайтида икки йилдан ортиқ эмас) — ишлаб чиқарилган йили билан аниқланади;

маҳсулотнинг экспортга йўналтирилганлиги ва ассортименти — унинг энг аввало ташқи бозорларда харидоргирлиги билан белгиланади;

иш унумдорлиги — вақт бирлигида муайян тўқимачилик маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми сифатида ҳисоблаб чиқилади;

энергия самарадорлиги — сотиб олинадиган тўқимачилик асбоб-ускунаси двигателларининг белгиланган қувватини унинг техник-технологик параметрларига мувофиқ, бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг шунга ўхшаш асбоб-ускуналарига қиёслаб таҳлил қилиш йўли билан аниқланади;

асбоб-ускунанинг нархлари параметрлари — сотиб олинадиган тўқимачилик асбоб-ускунаси нархларини худди шундай техник-технологик параметрларга эга бўлган тўқимачилик асбоб-ускунаси жаҳон нархлари даражаси билан таққослаш асосида қиёслаб таҳлил қилиш йўли билан аниқланади.

18. Ариза берувчи томонидан тузиладиган шартномалар (контрактлар) ва уларга қўшимча битимларда, юқорида кўрсатиб ўтилган мезонлар ҳисобга олинган ҳолда, Агентлик томонидан экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган қуйидаги шартлар мажбурий тартибда акс этирилиши керак:

ишлаб чиқарилган йили — экспертиза ўтказиш пайтида икки йилдан ортиқ эмас, ишлатилмаган;

модификацияси — сотиб олинаётган тўқимачилик асбоб-ускунасининг ишлаб чиқарувчи заводнинг ишлаб чиқарадиган охириг иккита моделига мувофиқлиги;

техник-технологик параметрлар (асбоб-ускунанинг паспорти) — сотиб олинадиган ҳар бир тўқимачилик асбоб-ускунасининг асосий ишчи механизмларининг иш унумдорлиги, тезлик кўрсаткичлари ва унинг энергия истеъмол қилиши;

сотиб олинадиган тўқимачилик асбоб-ускунасининг кафолатли хизмат кўрсатиш муддати — ишлатиш бошлангандан бошлаб камида бир йил.

19. Факс, электрон почта ва бошқа алоқа воситалари орқали (ариза берувчи томонидан тақдим этилган ёки Агентлик томонидан) олинган тижорат таклифлари, тайёрловчи заводнинг ёки бошқа етказиб берувчиларнинг, ишлаб чиқарувчининг дилерлари (дистрибьюторлари)нинг прайс-вараклари, ахборотнинг фойдаланиш мумкин бўлган манбаларида кўрсатилган, шу жумладан босма нашрлардаги ахборот эълонларида, бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғида кўрсатилган хулосалар асосида шаклландиган нархлар даражаси жаҳон нархлари даражаси деб қабул қилинади.

20. Технологик асбоб-ускунанинг ягона линияси нархларини аниқлашда алоҳида элементларнинг нархларини ҳисобга олмасдан бутун линиянинг қийматини кўриб чиқиш зарур.

Ишлаб турган технологик линия қўшимча ускуна билан қўшимча равишда

бутланган тақдирда тегишли ишлаб чиқарувчи заводларнинг нархлари ёки ишлаб чиқарувчи заводнинг нархлари мавжуд бўлмаган тақдирда — уларнинг расмий дилерлари (дистрибьюторлари) нархлари қабул қилинади.

21. Агентлик ариза берувчининг ҳужжатлари олинган санадан бошлаб икки иш кунидан кечикмай шартнома (контракт) нусхасини ёхуд унга қўшимча битим нусхасини тўқимачилик асбоб-ускунасини сотиб олишнинг мақсадга мувофиқлиги, унда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг экспортга йўналтирилганлиги ва ассортименти юзасидан кўриб чиқиш учун «Ўзбекенгилсаноат» АЖга юборади.

«Ўзбекенгилсаноат» АЖ беш календарь кун мобайнида шартнома (контракт) нусхасини ёхуд унга қўшимча битим нусхасини кўриб чиқиш натижалари бўйича Агентликка «Ўзбекенгилсаноат» АЖ ва «Ўзенганслайиҳа» МЧЖнинг қўшма хулосасини қўйидагилар юзасидан тақдим этади:

сотиб олинadиган тўқимачилик асбоб-ускунасида ёки унинг бир қисми ҳисобланган технологик линияда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг экспортга йўналтирилганлиги ва ассортименти, шунингдек ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг энг аввало ташқи бозорда харидоргирлиги;

тармоқни ривожлантиришнинг қабул қилинган дастурий ҳужжатларига кўра тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун тўқимачилик асбоб-ускунасини (алоҳида ёки технологик занжирни) сотиб олишнинг мақсадга мувофиқлиги.

22. Ўтказилган экспертиза яқунлари бўйича Агентлик хулоса беради ёки уни беришни рад этади.

23. Қўйидагилар хулоса беришнинг рад этилиши учун асос ҳисобланади: сотиб олинadиган тўқимачилик асбоб-ускуналарининг замонавий технологик талабларга мувофиқ эмаслиги;

сотиб олинаётган тўқимачилик асбоб-ускуналарининг контрактда кўрсатилган нархлари экспертиза ўтказиш пайтида худди шунга ўхшаш техник-технологик параметрларга ва сифатга (модификацияга, шу жумладан бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг) эга бўлган тўқимачилик асбоб-ускунасининг жаҳон нархлари даражасига нисбатан оширилганлиги;

сотиб олинadиган тўқимачилик асбоб-ускунасида ишлаб чиқариш назарда тутилган маҳсулотнинг ташқи бозорда харидоргир эмаслиги;

ариза берувчи томонидан ушбу Низом талабларига риоя қилинмаслиги.

Хулоса беришнинг бошқа асослар бўйича рад этилишига йўл қўйилмайди.

Хулоса беришнинг рад этилиши юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

24. Хулоса беришнинг рад этилиши тўғрисидаги билдиришнома рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва ариза берувчи кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ариза берувчига ёзма шаклда юборилади ёки берилади (топширилади).

25. Хулоса беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар бартараф этилгандан кейин ариза берувчи такрорий экспертиза ўтказиш учун Агент-

ликка шартномани (контрактни) ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни тақдим этишга ҳақли.

26. Такрорий экспертиза ўтказиш учун шартнома (контракт) ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар ариза берувчи Агентликнинг хулоса беришни рад этган билдиришномасини олган кундан бошлаб икки ойдан ортиқ бўлмаган муддатда тақдим этилади.

Ариза берувчи томонидан кўрсатиб ўтилган муддат мобайнида шартнома (контракт) ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар такроран тақдим этилган тақдирда экспертиза ўтказилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Ариза берувчи томонидан кўрсатиб ўтилган муддат тамом бўлгандан кейин такрорий экспертиза ўтказиш учун берилган шартнома (контракт) ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар янгидан берилган ҳисобланади.

27. Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда Агентлик томонидан олдин ариза берувчига ёзма шаклда баён қилинмаган рад этиш сабаблари келтирилишига йўл қўйилмайди, олдин кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабабларининг кўрсатилиши бундан мустасно.

28. Шартнома (контракт) ва унга қўшимча битимнинг экспертизадан ўтказилиши натижалари бўйича ушбу Низомга 3 ва 4-иловаларга мувофиқ шаклларга биноан белгиланган тартибда хулоса расмийлаштирилади.

29. Шартнома (контракт) ва унга қўшимча битим бўйича хулосанинг амал қилиш муддати шартнома (контракт) ва унга қўшимча битимнинг амал қилиш даврига мувофиқ равишда белгиланади.

V. Яқунловчи қоидалар

30. Агентлик берилган хулосалар реестрини юритади ва уни расмий веб-сайтларда эълон қилади.

31. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Тўқимачилик асбоб-ускуналарининг асосий турларини етказиб беришга шартномаларни (контрактларни) экспертизадан ўтказиш ва уларнинг замонавий технологик талабларга ва жаҳон нархлари даражасига мувофиқлиги юзасидан хулосалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Тўқимачилик асбоб-ускуналарининг асосий турларини етказиб беришга шартномани (контрактни) ва унга қўшимча битимни унинг замонавий технологик талабларга ва жаҳон нархлари даражасига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи — тадбиркорлик субъекти	Ариза берувчи хорижий шерик билан асбоб-ускунани етказиб беришга шартнома (контракт) ёхуд унга қўшимча битим тузади.	ариза берувчининг қарорига кўра
		Хулоса олиш учун рўйхатга мувофиқ ҳужжатларни тайёрлайди ва экспертизадан ўтказиш учун Агентликка тақдим этади.	шартнома (контракт) ёхуд унга қўшимча битим имзоланган вақтдан бошлаб уч ой муддатда
2-босқич	Агентлик	Шартномани (контрактни) ёхуд унга қўшимча битимни сотиб олинadиган асбоб-ускуналарнинг замонавий технологик талабларга мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказилади.	ариза берувчининг ҳужжатлари олинган санадан бошлаб 14 календарь кун мобайнида
3-босқич	«Ўзбекенгилсаноат» АЖ	Агентлик тўқимачилик асбоб-ускунасини сотиб олишнинг мақсадга мувофиқлиги, унда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг экспортга йўналтирилганлиги ва ассортименти юзасидан кўриб чиқиш учун «Ўзбекенгилсаноат» АЖга шартнома (контракт) ёхуд унга қўшимча битим нусхасини 2 кун мобайнида юборади. Кўриб чиқиш натижалари бўйича, 5 кун мобайнида, «Ўзбекенгилсаноат» АЖ Агентликка хулосани тақдим этади.	
4-босқич	Агентлик	Шартномани (контрактни) ёхуд унга қўшимча битимни экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича хулоса беради ёхуд уни беришни рад этади.	

Тўқимачилик асбоб-ускуналарининг асосий турларини етказиб беришга шартномаларни (контрактларни) экспертизадан ўтказиш ва уларнинг замонавий технологик талабларга ва жаҳон нархлари даражасига мувофиқлиги юзасидан хулосалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Янгидан қурилаётган ва реконструкция қилинаётган ишлаб чиқариш қувватлари лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосланишини, техника ва технологияларни экспертизадан ўтказиб баҳолаш агентлигига _____дан

АРИЗА

_____ ни етказиб бериш юзасидан
(асбоб-ускуналар номи)

_____ (ташкilot, мамлакатнинг тўлиқ номи)

билан _____ ўртасида тузилган
(ташкilot, мамлакатнинг тўлиқ номи)

_____ даги _____-сон шартнома (контракт) ва унга қўшимча битим бўйича хулоса беришингизни сўраймиз.

Шартнома (контракт) ёхуд унга қўшимча битимнинг умумий суммаси _____ ни ташкил қилади.

Шартнома (контракт) ёхуд унга қўшимча битим бўйича тўлов қуйидагилар ҳисобига амалга оширилади (*қайд этилганлардан биттаси кўрсатилади*):
ўз маблағлари;
бюджет маблағлари;
кредитлар (қарзлар);
бошқа манбалар.

Шартнома (контракт) ёхуд унга қўшимча битим экспертизаси ўтказилгани учун йиғимнинг тўланишини кафолатлаймиз.

Ариза берувчининг почта манзили (жойлашган жойи): _____;

Ариза берувчининг банк реквизитлари: _____.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Шартнома (контракт) ёхуд унга қўшимча битимнинг асли ва унинг нусхаси.

11 (719)-сон

— 19 —

103-модда

2. Контрактдаги нарх ҳосил бўлишининг конкурент варағи ёки асосла-
ниши қуйидаги иловалари билан:

- а) _____
- б) _____
- в) _____

Ариза берувчи

М.Ў.

_____ (имзо)

(мавжуд бўлса)

Тўқимачилик асбоб-ускуналарининг асосий турларини етказиб беришга шартномаларни (контрактларни) экспертизадан ўтказиш ва уларнинг замонавий технологик талабларга ва жаҳон нархлари даражасига мувофиқлиги юзасидан хулосалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

ХУЛОСА

№ _____

201__ йил «__» _____

(Давлат божхона қўмитасига тақдим этиши учун)

Шартнома (контракт) ёхуд унга қўшимча битимнинг рақами ва санаси	
Ариза берувчи/Харидор	
Етказиб берувчи (мамлакат)	
Шартнома (контракт) ёхуд унга қўшимча битим предмети	
Шартноманинг (контрактнинг) ёхуд унга қўшимча битимнинг қиймати	
Шартнома (контракт) ёхуд унга қўшимча битим бўйича тўқимачилик асбоб-ускуналари асосий турларининг қиймати (ТН ТИФ 8445, 8446, 8447)	
Молиялаштириш манбаи	

ХУЛОСА

Имзолар:

Агентлик директори

_____ (ИМЗО)

Агентлик директорининг ўринбосари

_____ (ИМЗО)

Агентликнинг экспертиза бошқармаси бошлиғи

_____ (ИМЗО)

М.Ў.

Тўқимачилик асбоб-ускуналарининг асосий турларини етказиб беришга шартномаларни (контрактларни) экспертизадан ўтказиш ва уларнинг замонавий технологик талабларга ва жаҳон нархлари даражасига мувофиқлиги юзасидан хулосалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

ХУЛОСА

№ _____

201__ йил «__» _____

(тижорат банкига тақдим этиш учун)

Шартнома (контракт) ёхуд унга қўшимча битимнинг рақами ва санаси	
Ариза берувчи/Харидор	
Етказиб берувчи (мамлакат)	
Шартнома (контракт) ёхуд унга қўшимча битим предмети	
Шартноманинг (контрактнинг) ёхуд унга қўшимча битимнинг қиймати	
Шартнома (контракт) ёхуд унга қўшимча битим бўйича тўқимачилик асбоб-ускуналари асосий турларининг қиймати (ТН ТИФ 8445, 8446, 8447)	
Молиялаштириш манбаи	

ХУЛОСА

Имзолар:

Агентлик директори

_____ (имзо)

Агентлик директорининг ўринбосари

_____ (имзо)

Агентликнинг экспертиза бошқармаси бошлиғи

_____ (имзо)

М.Ў.